

А.Л.Маматқулов
АДЧТИ профессори, ф.ф.н.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН Фойдаланишнинг аҳамияти

Аннотация: Замонавий масофали ўқитиш тизимининг таҳлили ва унга қўйилаётган талаблар, бундай шаклда ўқитиш усули долзарб масалалардан бири эканлигини кўрсатмоқда. Масофали ўқитиш жараёнини ташкил этишнинг самарали усулларида бири тармоқли технология базаси асосида ишлайдиган компьютер марказларини ташкил этиш ҳисобланади.

Калит сўзлар: масофавий таълим, технология, ўқитиш жараёни, компьютер.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида таълим мазмунини янгилаш, миллийлаштириш, инсонпарварлаштириш, демократлаштириш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, таълим тизимида талабаларнинг билимдонлигини ошириш мақсадида электрон воситалардан фойдаланишга катта эътибор берилмоқда.

Таълим соҳасида масофали ўқитиш тизимини амалга оширишда турли ёндашувлардан фойдаланилмоқда. Замонавий масофали ўқитиш тизимининг таҳлили ва унга қўйилаётган талаблар шуни кўрсатмоқдаки, бундай шаклда ўқитиш усули долзарб масалалардан бири сифатида қаралмоқда. Масофали ўқитиш жараёнини ташкил этишнинг самарали усулларида бири тармоқли технология базаси асосида ишлайдиган компьютер марказларини ташкил этиш ҳисобланади. Таълим тизими олдида бугунги талаб бўйича қуйидаги масалалар ечимини топиш мақсад сифатида қўйилмоқда:

- таълим хизмати нархини пасайтириш;
- ўқитиш вақтини камайтириш;
- ўқитишда индивидуал йўналишини танлаш.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бу масалаларни комплекс тарзда ечишда методик ташкилий ва дастурий-техник таъминотлардан фойдаланилади. Юқорида санаб ўтилган масалаларнинг самарали ечимини топиш учун марказий ўқув юртида тармоқли технологияга асосланган компьютер марказларини ташкил этиш зарур. Бундай марказ доимий равишда таълим олишга интилаётган ёшлар муаммосини ҳал этиши ва уларнинг яшаш жойидан қатъий назар таълим олиш имконини яратади.

Масофали ўқитиш тизимидаги асосий тамойилларнинг амалда қўлланилишида электрон воситаларнинг аҳамияти юқори даражада бўлиб, ушбу тамойиллар қуйидагиларни ташкил этади:

1. Универсаллик тамойили.

Бу тамойил қуйидаги йўналишлардан иборат: биринчи йўналиш, компьютерли тармоқ технологияси базасида ўқитиш ва мустақил ўрганиш вазифасини бажаради.

Иккинчи йўналишда, курслар ташкил этиш ва ихтиёрий фанлар (гуманитар, социал-иқтисодий, табиий-илмий, техник)ни ўқитишдаги муаммолар ҳал этилади.

Учинчи йўналишда, тизим бугунги кунгача маълум бўлган масофали ўқитиш технологияси ва қуйида келтирилган масофали ўқитиш методикасидан фойдаланиш имкониятини яратиши лозим бўлади:

- ўргатувчи ва аттестацион тест синовларидан фойдаланиш;
- изоҳли сўзлар ва луғатларни қўллаш;
- синхронли мулоқот воситалари.

2. Очиқлилик тамойили.

Бу тамойилнинг мазмуни шундан иборатки, тизим методист ва дастурчилар томонидан ишлаб чиқилган масофали ўқитиш фарқли ўлароқ равишда компьютер технологияси билан яхши мулоқотда бўла олмайдиган муаллимга имконият берувчи очиқ инструментлар қобиқлардан ташкил топади. Ушбу қобиқлар ёрдамида ҳар қандай ўқитувчи масофали ўқитиш курсларини ташкил эта олиши лозим. Бундай тизимни яратишда тизимнинг off – line (пакетли) ва on – line (интерактив) каби воситаларидан фойдаланилади.

3. Стандарт тармоқли ечимлардан фойдаланиш ва универсал интеграциялашган маълумотлар базаси асосида тизимни яратиш тамойили.

Бундай тамойил интеграллашган маълумотлар базасини янги амалий жиҳатдан чексиз тарзда камайиб бориш, кўчириш ва ривожлантириш имкониятини беради.

Юқорида келтирилган тамойилларга кўра, масофали ўқитишнинг ихтиёрий тизими қуйидаги талабларни қаноатлантириши лозим бўлади:

- ўқитишнинг самарали диалогли режимини таъминлашга;
- тизимнинг дастур ва техник қурилмага боғлиқ эмаслигига;
- ўқитишда кутиш вақтини минимумга келтириш мақсадида тизим ахборотларни оммалатишнинг юқори даражадаги тезлигини таъминлашга эришиш лозим.

Юқорида қўйилган талаб ва ечимлар асосида рақам техник фанлар бўйича эмас, балки гуманитар фанлар юзасидан курслар ташкил этиш имкониятини берувчи масофали ўқитишнинг системалари яратилиши керак. Бундай тизимларни яратиш учун электрон воситаларнинг электрон дарслик, кўрсатма, қўлланма, электрон тест ва топшириқлар тўплами каби усуллардан самарали фойдаланиш ўқув жараёнини мустақил олиб боришда яхши натижаларга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогис маҳорат. – Т.: ТДПУ, 2003. – 174 б.
2. Азизходжаева Н.Н. Ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишда педагогик технологиялар: Олий ўқув юрти ўқитувчилари ва малака ошириш курслари тингловчилари учун ўқув-методик қўлланма. – Т.:ТДПУ, 2006. – 72 б.
3. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования: Учеб. пособие для студентов пед. вузов и системы повыш. квалиф. пед. кадров. – М.: Академия, 2000. – 272 с.
4. Полат Е.С. Метод проектов на уроках иностранного языка//Ж. Иностранные языки в школе. – 2000. – № 2. – С. 3-10.
5. Сибирская Н.П. Проектирование педагогических технологий: Энциклопедия профессионального образования в 3-х т. – М.: Академия, 1999. – Т.2. – С. 344-345.